

Инкилоб даврида энг кўп мавзуи бахс бўлгон масалалардан бири, шубхасиз, тўй ва таъзия исрофларидир. 6-7 йил ичида ўзбек матбуоти, айникса, Самаркандда чиккан газеталар тўй, таъзия исрофотининг ислохи учун кўп нарсга ёздилар ва бу тўғридаги фикр-мулохазаларини ҳукуматга такдим этдилар. Бир неча маротаба ҳукумат ҳам буларнинг фарёдини эшитиб, халк орасидаги бундай исрофликларга карши чора кўрди. Яхши карорлар чикарди. Лекин Самаркандда бу ҳақда кўрилган тадбирлар кўп вақт ўтмай масъул ишчиларимизнинг парвосизлиги билан натижасиз колди. Яна тўй ва аза исрофлари бурунгусидек давом эта бошлади.

Сўнги бир-икки йилда юртимизнинг икгисодий ишлари бир мунча йўлга кўйилиши билан бойнамоларимиз яна жонлана бошладилар. Шунинг билан баробар аввалги урф-одатлар, исрофчиликлар яна жорий бўла бошлади. Айникса, сўнг чоғларда тўйларда одамларга тўн кийгизиш, канд ва чой инъом этиш, катта-катта нонлар, турлик ши-раворлар улаштириш одати яна ишга ошириди.

Никоҳ тўйларидаги «тутуз» рўмолча, кашидалар, таъзия кунларида кабр устида халкка пул ва йиртиш бериш, уч, етти, йигирма, кирк килишлар яна бурунги холига кайтди. Камбагал халкимиз у расму русум ва урфу одатларнинг ижроси билан яна эзила бошлади. Бундай исрофчиликлар орасида яна бог сотиш, ховли гаров кўйиш ва кекирдаккача карзга ботишлар кўрина бошлади.

Бунинг учун халкни айблаб бўлмайди. Чунки хали халк нодон. Биламиз, халкнинг ота-бобосидан колгон урфу одатлар асири бўлиши табиийдир. Бизда таклид, обрўй, номус ва газзоти нафс деган нарсалар ҳам бор. Мана шу сифатлар авом халкни хар балога учратадур. «Фалонча тўйда ундай килибди, мен бундан камми» ёки «урфу расми риоя кил-масам, мени дўсту душманларим уят киладурлар», деб халкимиз яна аввалги исрофчиликларни жорий этишга ўзини мажбур биладур. Шунинг билан ўзини хар кандай тахликага соладур ва икки кунда ўзининг бору йўғидан ажрачадур.

Халкни ўз холида кўя берсангиз, у ўзининг нафу зарарини ўйламай, хар бир тўғри келган ишни кила берадир. Ўлгунигача фойдасиз урфу одатларнинг асоратидан чика олмайдур, лекин халкни ўз холига кўйиш тузук эмас. Масъул ишчиларимиз ва ёшларимизнинг хар бир тўғрида халкка йўлбошчи ва таъминотчи бўлиб туришлари керакдир. Халкни тўғри йўлга олиб бориш ва уни хар кандай зарарлик харакатлардан саклаш ана шуларнинг вазифасидир. Лекин эсизким, бизнинг масъул ишчиларимиз, маорифчиларимиз ва ёшларимиз бу муҳим вазифаларини ҳам бажара олгонлари йўк.

Хатто, улардан баъзиларининг шундай эски расму одатларга риоя қилгонликлари ҳам кўриладир. Мана бу иш уларнинг шаънига ярашмайтургон бир сифатдир. Биз шунинг билан халкимизнинг йўлбошчиси бўлгон масъул ишчиларга яна бир мартаба юзимизни ўгириб айтамиким, ўртоклар, ишчи-деҳкон оммаси сизга ишонган ва сизни канча умидлар билан иш бошига қўйгондир. Шунинг учун сиз ҳам ўз бўйнингиздаги вазифаларингизни ўтангиз. Фақир халкни зарарлик урф-одатлар ва исрофчиликлар чангалидан кутказиш учун бор кучингизни сарф этиб, бу тўғрида жиддий чоралар қўрингиз.

*«Зарафшон» газетаси, 1924 йил, 24 март*